

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2020 йил
25 декабрь,
жума
№ 50 (823)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

«Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!»

Мустақиллик, бировларга қарам бўмаслик, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилаш саодати энг улур неъматдир. Шу боис истиқлолни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг, ўзини ҳурмат қиладиган миллатнинг муқаддас бурчи саналади.

Атрофимизга разм солиб, ҳозирги замонда ҳам ўз эркин-га эга чиқолмай, мустақиллик нималигини билмай ўтаётган халқлар, миллатлар оз эмаслигини кўрамыз. Уларнинг абгор ҳолига боққанда, не-не овораю сарсонликларини кўрганда эса, киши қалбини беихтиёр шукроналик ҳисси чулғаб олади.

Давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган тарихий сана — 1 сентябрь халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маърифий ва маданий-маънавий ҳаётида бекиёс ўрин тутадиган, ҳар йили катта



шоду хуррамлик билан нишонланадиган кутлуг айёмдир. Сабаби, айнан истиқлол тугайли миллатимиз ўзлигини англади, озод халқ, мустақил давлат сифатида ўзини бутун

дунёга намоён қилиш имкониятини қўлга киритди. Жаҳон бизни таниди, энг муҳими, эркин ва фаровон келажакимизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш ҳуқуқига эга

бўлди.

Мустақиллик берган имкониятлар тўғрисида жуда кўп гапиришимиз мумкин. Айни чоғда, истиқлол йилларида босиб ўтилган машаққатли йўлга яна бир бор назар ташлашимиз, амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларни ҳолисона баҳолашимиз ва уларнинг мазмун-моҳиятини, аввало, ўзимиз англашимиз, сўнг кенг жамоатчиликка, бутун халқимизга етказишимиз мақсадга мувофиқдир.

Албатта, ҳозирга қадар босиб ўтилган тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёни чукур мушоҳада этиб, истиқлол йўлининг асосий мақсад ва вазифаларини янги босқичда ҳам оғишмай, самарали давом эттиришимиз лозим.

Куни кеча Президентимиз **“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тай-**

ёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Жуда кенг қўламли тадбирларни қамраб олган мазкур тарихий ҳужжатда назарда тутилган гоётада улугвор мақсад ва вазифалар ушбу кутлуг санани давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътиборига муносиб равишда юксак савияда кенг нишонлашга асос бўлади.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссияси ташкил этилди. Комиссияга **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** гоёсини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари дастурини тасдиқлаш вазифаси юкланди.

(Давоми 2-бетда) ►

Мўътабар ва муниса аёллар учун оила ва жамият ҳаётида ҳамиша ва ҳамма жойда юксак мавқе, сарбаланд ўрин ажратилган. Бу Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин янада муҳим аҳамият касб этди.

Жамиятимиз мақсади

Аёл борки, олам мунаввар



Аёлларнинг оила ва турмушдаги ўрни, роли ва мавқеини янада кучайтириш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жабҳалардаги фаоллигини ошириш масаласи давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Шу маънода бугунги кунда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида Ўзбекистон Қҳрамони унвонига мушарраф бўлган аёллар, академиклар, фан докторлари, сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари борлиги таҳсинга сазовор.

Аёлларимиз илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳалари, ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи органлар, шу жумладан, суд тизимида эркаклар билан бир қаторда хизмат қилиб келмоқда.

Аёл бир қўли билан — бешикни, бир қўли билан дунёни тебратди, дейдилар. Фарзандни дунёга келтириш ва баркамол қилиб ўстириш ота-онадан кўп меҳнат талаб қилади. Фарзанднинг ҳалол-пок, тартиб-интизомли, меҳнатсевар бўлиб ўсишида онанинг ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Шундай экан, чиндан ҳам, бешикдан алломалар етишиб чиқишида, дунёнинг дунё бўлишида аёлнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 4-бетда) ►

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кучайтирилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда депутатлар бир нечта қонун лойиҳаларини биринчи ва иккинчи ўқишда муҳокама қилди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси шулар жумласидандир.

Мазкур қонун лойиҳаси қабул қилиниши билан профилактика инспекторлари томонидан фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кучайтирилади. Содир этилган ҳуқуқбузарликларга нисбатан таъсир аниқланган жойнинг ўзида ҳуқуқий улусир чораларини қўллаш механизмлари соддалаштирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколати алтернатив орган сифатида профилактика инспекторларига берилиши натижасида ҳуқуқбузарлик содир этилган манзил-

дан узоқ масофада жойлашган бошқа ваколатли орган ёки судларга боришини истисно этган ҳолда фуқароларнинг ортиқча харажат қилиши ва сарсон бўлишининг олди олинади.

Қонун лойиҳасида ит ва мушук боқиш қоидаларини бузиш, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш каби ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги учун баённома расмийлаштириш орқали жазо чораларини кўриш ҳам профилактика инспекторларига берилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасининг юқорида санаб ўтилган имкониятларини эътиборга олиб, қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқуллади.

Шундан сўнг “Дехқон ҳўжалиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади дехқон ҳўжалигини ташкил этиш ва юришти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда) ►

Оқлов

Тахминий айблов

суд томонидан бекор қилинди, ноҳақ айбланган шахс оқланди

рига қадар “Асака” банкнинг Бухоро шаҳар филиали бош ҳисобчиси вазифасида ишлаган, айни пайтда ташқи иқтисодий фаолият “Миллий-банк”нинг Ромитан туман филиали бош ҳисобчиси ўринбосари лавозимида фаолият юритаётган Ғанишер Жалилов ҳам суд ҳимояси орқали ўзига нисбатан эълон қилин-



ган ноҳақ айбловдан халос бўлди.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

Қ А Р О Р И

2020 йил 19 декабрь

№ 34

Тошкент шаҳри

Жиноят сабаблари ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича судлар ролини ошириш тўғрисида

Суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ва судлар томонидан жиноятларнинг олдини олиш чораларига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларининг тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 296-моддасига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят иши бўйича иш юритишда жиноят сабабларини ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашга доир талаблари ба-жарилган-бажарилмаганлигини синчковлик билан текширишлари зарур. Қонуннинг бу талаби бажарилмаган бўлса, суд бундай ҳолатлар аниқланишини таъминловчи чоралар кўриши шарт.

(Давоми 3-бетда) ►

Истиқлол йилларида мамлакатимизда миаллий ахборот макони ва инфратузилмасини ривожлантириш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, охириги тўрт йил ичида сўз эркинлиги ва ахборот очиқлигини таъминлаш жараёни кескин ўзгарди.

Янги қонун моҳияти

Сўз эркинлиги ва ахборот очиқлигини таъминлаш

Сенат ялти мажлисида шу мақсадларга қаратилган янги қонун маъқулланди

Халқ билан мулоқотда янги-ча шакллар пайдо бўлди, давлат органлари учун очиқлик ва шаффофлик талаби юзага келди. Бинобарин, ҳар кимнинг ахборот излаш, олиш, тўплаш, тарқатиш ва ундан эркин фойдаланиш, ўз фикр ва қарашларини эркин ифодалаш қонунларимизда кафолатланган.

Бу ҳақда сўз борганда, куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида **“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари**

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”

ти қонун сенаторлар томонидан маъқулланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу янги қонунда ахборот эгаларининг сўз масъулияти ва унинг оқибатлари бўйича жавобгарликни ҳис қилиши, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари кафолатланиши ҳам тегишли-ча белгилаб қўйилган.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг даъво ариза (ариза)лар намуналарини автоматик шакллантириш тизими (template.sud.uz)



2018 йилнинг январь ойидан бошлаб Олий суднинг Интерактив хизматлар порталида (my.sud.uz) “Намуналар” руқни орқали фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга мурожаат қилиш учун мурожаат намуналарини автоматик равишда шакллантириш ахборот тизими жойлаштирилган.

Ахборот тизими қуйидаги имкониятларга эга:

- судга мурожаат қилувчилар учун тегишли низолар бўйича ариза намунаси ва шу низо бўйича илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатидан бепул тарзда фойдаланиш;
- мурожаат қилувчининг ушбу ҳолат юзасидан адвокатга тўланиши лозим бўлган маблағи ва вақтини тежаш;
- аҳолининг судга мурожаат қилиш маданияти ва саводхонлигини ошириш.

Оқлов

Тахминий айблов суд томонидан бекор қилинди, ноҳақ айбланган шахс оқланди



◄ (Бошланиши 1-бетда)

Хўш, Ғ.Жалилов нега жиноий жавобгарликка тортилган эди?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, 2019 йилнинг 14 июнь куни "Асака" банкнинг шаҳар филиали мижози саланган, Бухоро шахрида жойлашган "Boreks Avto Servis" масъулияти чекланган жамияти билан Англия давлатининг "QINGDAO HAPPY RUNNER TYRE CO LTD" корхонаси ўртасида автошиналар сотиб олиш юзасидан шартнома имзоланди. Шунга биноан, жамият раҳбари Бахриддин Ҳотамов банк филиалининг халқаро пул ўтказмалари бўйича мутахассиси-си Назира Зайниевага шартномани тақдим қилиб, ўзининг ҳисоб рақамидан хорижлик ҳамкори ҳисоб рақамига 37.200 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2019 йил 14 июндаги маълумотномасига кўра, 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати ўша пайтда 8535 сўм 74 тийин бўлиб, 37200 АҚШ доллари 317.529.528 сўмни ташкил қилган) миқдорида пул ўтказишни сўрайди.

Аммо тўлов топшириқномасини кейинроқ келтириб беришини айтди. Назира Зайниева эса, Б.Ҳотамовни 2010 йилдан буён танигани ҳамда унга ишонгани боис пулни шартномада қайд этилган GB83TSBS77191300005427 ҳисоб рақамига ўтказиш юзасидан дастурга хорижий корхона номи ва ҳисоб рақамини кiritиш, тасдиқлаш учун бош ҳисобчи Ғанишер Жалиловга беради. Бироқ пул кўчирилгандан сўнг орадан кўп ўтмай Бахриддин Ҳотамов "Мен ҳозирча товар сотиб олмакчи эмасман, пулларимни қайтаринглар" дея талаб қилади. Шу боис, пуллар мижознинг ҳисоб рақамига қайтиб тушади. Лекин тадбиркор 2019 йил 14 июнь куни банкка қўшимча келишув тақдим этар экан, Англия корхонаси ҳисоб рақами SE813000000006808179359 сифатида ўзгарганлигини айтиб, пулни ана шу ҳисоб рақамга ўтказишни талаб қилади. Аммо иккинчи сафар ҳам тўлов топшириқномасини келтириб бермайди. Натижада Н.Зайниева пул кўчириш мобайнида корхона номини шартномада кўрсатилганидек, "QINGDAO HAPPY RUNNER TYRE CO LTD" тарзида эмас, балки "QINGDAO HAPPY RUNNER TYRE CO LTD" дея ёзиб, дастурга нотўғри киритади. Оқибатда пул маблаглари Швеция фуқароси OKAFOR JOHN PAUL UGOSHUKWУнинг ҳисоб рақамига бориб тушади. Бинобарин, тергов органи томонидан бош ҳисобчи Ғанишер Жалиловга дастурга киритилган ёзувларни текширмаган ҳолда тасдиқлаб, АТ "Асака" банкнинг бош офисига юборганлик, шу орқали банк манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказганлик айби қўйилди ва унга нисбатан Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилади.

Шундан сўнг ушбу иш жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судида қўриб чиқилди. Суд мажлисида эса, жиноят ишини тергов қилишда Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Олий суд Пленумининг тегишли қарори талабларига риоя қилинмагани аён бўлди. Қонун талабига кўра, шахсини ахтиётлиқда айблаш учун унинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан жиноий оқибат ўртасида сабабий боғланиш бўлиши зарур. Жиноятнинг объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланган сабабий боғланиш бўлмаган тақдирда, шахсининг қилмишида охир-оқибат жиноят таркиби мавжуд бўлмайдиган. Шунга асосан айтганда, Ғ.Жалилов 37200 АҚШ долларини тўлов

топшириқномаси орқали ўтказган тақдирда ҳам, пул маблағи мижоз тақдим қилган SE813000000006808179359 банк ҳисоб рақамига тушар эди. Бу билан бош ҳисобчи ўз вазифасини лозим даражада бажарган ёки бажармаган бир вазиятда ҳам, унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, оқибат келиб чиқар эди. Кўриниб турибдики, юқоридagi вазиятда судланувчининг ҳаракатлари билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлмаганлиги туфайли айна ҳолатда жиноят таркиби мавжуд эмас.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши белгиланган. Ана шу асосларга таянган жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди ўзининг 2020 йил 17 июлдаги ҳукми билан Ғанишер Жалиловни айбсиз деб топиб, оқлади. Шунинг учун Бухоро шаҳар прокурори томонидан келтирилган Ғ.Жалиловдан "Асака" банкнинг Бухоро вилоят филиалига 37.200 АҚШ доллари миқдоридagi зарар, 5.589.715 сўм давлат божи ҳамда почта харажатларини ундириш ҳақидаги даъво аризаси оқибатсиз қолдирилди. Қолаверса, суд ҳукмида Ғ.Жалилов оқланиши муносабати билан ўзига етказилган моддий ва маънавий зарар оқибатларини қоплаш бўйича Жиноят-процессуал кодексининг 304-312-моддалари тартибида даъво ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Бироқ суд ҳукмига нисбатан апелляция шикоятни берилди. Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг апелляция инстанцияси мажлисида биринчи инстанция суди томонидан оқлов ҳукми чиқаришда амалдаги қонун талаблари ва Олий суд Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилинган деб топилди.

Бундан ташқари Ғанишер Жалиловнинг судда келтирган ваъдлари жиноят ишидаги ҳужжатлар билан рад қилинмаган. Унинг зиммасига қўйилган айбловлар дастлабки тергов органининг тахминларига асосланган. Вахоналани, қонунчилигимизга биноан, шахсини жиноят содир этганида айблаш учун унинг ўз ҳаракатларини аниқлаган бўлиши талаб қилинади. Шахс томонидан келиб чиқishi аниқланмаган ижтимоий хавфли оқибатлар учун уни жавобгарликка тортиш (яъни объектив айблов) қонунга хилофдир. Тилга олинган вазиятда эса, Н.Зайниева ва Ғ.Жалиловнинг ҳаракатлари банк тизимида ўрнатилган ички тартиб қоидалар асосида интизомий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин, холос. Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция шикоятини қаноатлантирмадсан, суд ҳукмини эса, ўзгаришсиз қолдирди.

Хулоса ўрнида эътироф этиш лозимки, сўнгги тўрт йилда муқаддам судланган ҳамда терговда ноҳақ айбланган шахсларнинг оқланиши давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислохотларининг тўлақонли ва энг ёрқин фидосидир. Бу эса, ҳамюртларимизнинг Конституция ва қонунларга бўлган ҳурмат ҳиссини янада мустаҳкамлайди.

Абдуманнон ШАЙДОВЕВ, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг раиси
вазифасини бажарувчи Акбаржон ЖАББОРОВ, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг судьяси

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Қарорда, шунингдек:

- Тошкент шахрида "Истиқлол" мажмуасини ташкил этиш ва у ерда мустақиллигининг мазмун-моҳияти ва тарихий аҳамиятини акс эттирадиган ёдгорлик композициясини барпо қилиш;
- пойтахтимизда бунёд этилаётган ер усти метро халқа йўлини "Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллиги" деб номлаш;
- ўтган даврда эришилган ютуқларга бағишланган "Янги Ўзбекистон" китоб-альбомини ҳамда ҳар бир соҳада амалга оширилган ислохотлар натижаларини ёритиб берувчи китоб-альбом ва тўпламларни нашр этиш белгиланди.

Маданият ва санъатнинг барча йўналишлари, хусусан, мусиқа, театр, кино, тасвирий ва амалий санъат, цирк, халқ ижодиёти бўйича республика миқёсида фестивалъ, кўргазмаларни ташкил этиш, юртимиз мустақиллигини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари ҳамда тарихий, замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги пьесалар танловларини ташкил этишга қаратилган ишлар бошлаб юборилди.

Шу маънода, 2021 йил халқимиз учун тарихий йил бўлишига муҳим асосимиз бор. Бу, албатта, Мустақиллигимизнинг 30 йиллик нашидаси, ўтган давр мобайнида олиб борилган оқилона сиёсат, катта меҳнатлар эвазига қадам-бақадам эришилган ютуқлар, босқичма-босқич йўналтирилган ислохотлар сарҳисоб қилинадиган унутилмас жараён билан боғлиқдир.

Ўттиз йиллик босиб ўтган йўлимизга назар солар эканмиз, бугунги дориламон замонлар ўз-ўзидан рўёбга чиқмаганини, унинг замирида заҳматли меҳнат, ғоялар тўқнашуви, тинчлик ва осоишталигимизга таҳдидлар, барқарорлигимизга хуружлар, ҳаюлатга қарши кураш ва бошқа кўплаб жараёнлар мавжуд эканини билмоғимиз, ҳис қилмоғимиз, англамоғимиз лозим.

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари юз тутган Ватанимиз — Ўзбекистоннинг янгиланаётган қиёфасини шакллантириш, халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга қаратилган инсонпарвар ислохотларни амалга оширишга астойдил киришилди. Бу ислохотлардан кўзланган



Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кучайтирилади

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, деҳқон хўжалиги мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва реализация қилиш-

ни оила аъзоларининг ҳамда бошқа қариндошларнинг шахсий меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир. Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятини богдорчилик ва узумчиликка ёки сабзавот ва полиз экинлари-ни ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етишти-

асосий мақсад — мамлакат аҳолисининг олий қадрият деб эътироф этилган конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини ҳамда ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлашдан иборат этиб белгиланди.

Ушбу мақсадга эришиш, аввало, узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган, халқимизни қийнаб келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлашдан бошланди. Барча вилоят, туман ва шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилди, мурожаатларни қабул қилишнинг электрон тизими, виртуал қабулхоналар, халқ билан бевосита мулоқотлар йўлга қўйилди.

Бугун халқ дардини, муаммосини ечиш учун юмшоқ курсидан тушиб, шинам хонадан чиқиб, халқнинг олди-га келиш, уйма-уй юриб, дардини тинглаш, муаммоларини ўрганиб, уларга ечим топиш, пировард нати-

Муносабат

«Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!»



жада халқни рози қилиш давлат идоралари ва барча раҳбар ходимларнинг биринчи галдаги вазифасидир. Зеро, Ўзбекистонда **"Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак"**, деган инсонпарвар ғоя давримизнинг асосий шиориға айланди.

Иқтисодий ислохотлар, туризмни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, солиқ юкини камайитириш, валюта бозори-



ни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш, янги-янги иш ўринларини яратиш орқали аҳолининг банд бўлмаган қатламларини доимий

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт дaвири учун пойдевор яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтиришда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айнан шу масалалар давлатимиз раҳбарининг **"Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"**ги қарорида ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, бугун юртимизда олиб борилаётган инсонпарвар ислохотлар кўлами ниҳоятда кенг. Уларнинг самараси туфайли оддий одамларнинг ҳаётдан розилик даражаси ортиб, эртанги кунга мустаҳкам ишончи пайдо бўлмоқда.

Юртдошларимиз барча жабҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самарасини, хусусан, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифати таъминланаётганини ўз турмуши мисолида қўриб турибди. Бу эса, фуқароларнинг бахтли-саодатли, фаровон умр кечиришини кафолатлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши эканидан далолат беради.

Эртанги кунга ишонч, фидойилик, журъат, яқдиллик, аҳиллик, садоқат ва тинимсиз меҳнат — эркин ва фаровон яшашга олиб борадиган бирдан-бир тўғри йўл эканлиги, Янги Ўзбекистон муносиблар юрти бўлиши ҳам айна ҳақиқатдир.

Шундай экан, Президентимиз қарорида белгиланган вазифаларга масъулият билан ёндашиб, байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш учун барча имкониятларни ишга солиш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бу жараёнда, биз — халқ ноиблари ҳам четда турмаймиз, албатта. Зеро, истиқлол барчамиз учун энг улуғ, энг азиз неъматдир.

Гулруҳ АГЗАМОВА,
Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

шартномалар тузади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган ёки узоқ вақт йўқ бўлган тақдирда, у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини ушбу хўжаликнинг аъзоларидан бирига беришга ҳақлидир.

Фракция йиғилишида кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА муҳбири

Ҳуқуқий маърифат

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг

учун олтита жазони ижро этиш муассасасида умумтаълим муассасаларининг фаолияти, ўрта махсус, касб-хунар таълими олиши учун эса, тўртта жазони ижро этиш муассасасида касб-хунарға ўқитиш марказларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, умумтаълим муассасалари ва касб-хунарға ўқитиш марказлари фаолият кўрсатмаётган жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олиши ҳамда барча жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг олий таълим олиши учун имконият ва шароитлар яратиш зарурати мавжуд.

Айни шу заруратни инобатга олиб, бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш фойдадан холи бўлмади. Жумладан, Россия, Украина, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австралия, Норвегия каби

мамлакатларда бу борадаги қонунийлик ўрганилганда, маҳкумларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълим олиши тизими йўлга қўйилгани жазони ўтаб чиққан маҳкумларнинг ижтимоий мослашувида ёрдам бергани аниқланди. Шу билан бир қаторда, бундай амалиёт маҳкумлар қайта жиноят йўлига киришининг олдини олишда яхши натижалар бергани кузатилган.

Мисол учун Украина Жиноят-ижроия кодексига асосан, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар умумий ўрта таълим, касб-хунар таълими, шунингдек, масофавий ўрта махсус ва олий таълим олишлари мумкин. Маҳкумларга "Психология", "Ҳуқуқшунослик", "Менежмент", "Ҳисобчи", "Реклама бўйича мутахассис" сингари мутахассисликлар бўйича масофавий ўрта махсус ва олий маълумот олиш имконияти яратилган.

Маҳкумларни масофадан таълим олиш учун жазони ижро этиш муассасаларида алоҳида махсус компьютер синфлари ҳамда масофадан таълим олиш учун барча шарт-шароитларлар ташкил этилган.

Маҳкумларни касб-хунарға йўналтириш бўйича ўқитиш ҳам йўлга қўйилган. Ушбу касб-хунар таълимини олган маҳкумларга йўналиши бўйича электр устаси, сувоқчи, ёғоч ўймаkori, новвой, тикувчи, сартарош ва бошқа бир қатор касблар бўйича диплом бериш амалиёти йўлга қўйилган.

Бундай таълимнинг маҳкумлар учун афзаллиги шундаки, давлат таълим ҳужжатида маҳкумларнинг жазони ижро этиш муассасасида диплом олганлиги кўрсатилмайди.

Россия Федерациясида маҳкумларга олий таълимни масофадан туриб, колонияларда махсус компьютер синфларида интернет орқали ўқиш имконияти яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Жиноят сабаблари ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича судлар ролини ошириш тўғрисида

◄ (Бошланиши 1-бетда)

3. Қонунга кўра, суд жиноят содир этилишига имкон берган ҳолатларга тааллуқли факт-маълумотларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқишга мажбур. Шу мақсадда, зарурат бўлганда, суд мажлисига қўшимча гувоҳларни қақириш, бошқа далилларни талаб қилиб олиш лозим. Ишлаб чиқариш технологияси бузилганлиги, механизмлар техник ҳолати ва ҳ.к. билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш учун суд мутахассислар ёрдамидан фойдаланишга, зарурат туғилганда, экспертиза ўтказишга ҳақли. Агар суд муҳокамаси давомида қонун бузилганлиги ёки мансабдор шахслар томонидан хизмат вазифалари виждонан бажарилмаганлиги, шунингдек, фуқароларнинг ишлаб чиқаришда ёки турмушда нўйрн хулқи-атвори, улар томонидан ижтимоий бурч бузилганлиги билан боғлиқ ҳолатлар аниқланса, суд мазкур шахсларни суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилишга ҳақли.

4. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган фаолият самарадорлиги содир этилган жиноят учун жавобгарлик муқаррарлиги принципига изчил риоя қилинишига боғлиқ.

Шуни инобатга олган ҳолда, жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида ва суд муҳокамаси давомида, судлар жиноятнинг барча иштирокчиларини аниқлаш ва уларни жавобгарликка тортиш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари, кўрилаётган иш материаллари билан содир этилган жиноятга алоқаси тасдиқланган шахсларга нисбатан асоссиз равишда жиноят ишини кўзга-тишни рад этиш ёки тугатиш фактларига нисбатан доим муносабат билдиришлари лозим.

5. Судлар жиноятлар профилактикасига оид фаолиятида суд процессида жамоатчилик иштироки самарадорлигини оширишга қаратилган чоралар кўришлари зарур.

Тушунтирилсинки, суд муҳокамасида жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси иштирок этишига рухсат бериш тўғрисидаги масала жа-

моат ташкилоти ёки меҳнат жамоаси илтимосномасига кўра, судьянинг ажрими билан ҳал қилинади. Бунда жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси ваколатли орган томонидан юборилганлиги, унинг ваколатлари тегишли тартибда тасдиқланганлиги, муайян шахснинг суд муҳокамасида иштирок этишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар (кўриб чиқилаётган ишда жабранувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиши, иш натижасидадан шахсан манфаатдорлиги ва ҳ.к.) бор-йўқлиги текширилиши керак.

Шуни назарда тутиш лозимки, жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси жамоат ташкилоти умумий йиғилиши ёки унинг сайланадиган органи томонидан, корхона, муассаса, ташкилот меҳнат жамоасининг ёки унинг ташкилий бўлинимаси (бирлашма-нинг ишлаб чиқариш бирлиги, цех ва ҳ.к.) умумий йиғилиши томонидан кўрсатилиши мумкин. Жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячисини корхона ёки муассаса маъмурияти илтимосномасига кўра, ишда иштирок этишига рухсат бериш қонунга асосланмаган.

Бир жамоат ташкилоти ёки меҳнат жамоасидан айнан бир судланувчига нисбатан жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Ишни судда кўриш учун тайинлангандан сўнг ишда иштирок этишга рухсат этилган жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси, унинг илтимосига кўра, иш материаллари билан танишиш ва зарур маълумотларни ёзиб олиш имконияти берилиши, суд мажлисининг тайёрлов қисмида эса, процессуал ҳуқуқлари тушунирилиши лозим.

6. Судларнинг эътибори ҳукм, ажрим ва қарорлар матни пухта тузилиши зарурлигига қаратилсин, чунки ишонарли бўлмаган, асослан-тирилмаган, шомша-шошарлик билан тузилган суд ҳужжатлари суднинг обрўсини, у қабул қилаётган қарорларнинг тарбиявий ва профилактик аҳамиятини пасайтиради.

Суд мажлисида раислик қилувчи суд муҳокамаси олиб

борилиши, шу жумладан, жиноятни содир этишга имкон берган ҳолатлар баённомада тўлиқ ва ҳолисона акс эттирилиши учун шахсан жавобгардир.

7. Судлар жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришга доир қонун талабини бажаришда иш бўйича аниқланган ва жиноят содир этилишига олиб келган муайян ҳолатларни хусусий ажримда кўрсатишлари лозим.

Хусусий ажримда (қарорда) аниқланган камчилик ва хатоликлар моҳияти баён этилади, шунингдек улар билан содир этилган жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик ўртасидаги сабаб-бўғланиш кўрсатилади ва уларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўриш тавсия этилади.

Хусусий ажримни (қарорни) суд мажлисида эълон қилиш мақсадга мувофиқлиги масаласи суд томонидан ҳал қилинади, бироқ барча ҳолларда иш бўйича хусусий ажрим (қарор) чиқарилгани эълон қилинади ва бу ҳақда ёзув суд мажлиси баённомасига киритилади.

8. Хусусий ажрим (қарор) унинг устидан шикоят қилиш мuddати ўтганидан сўнг қонуний кучга қиради.

Апелляция (хусусий) шикоят ёки протести берилган ҳолда, хусусий ажрим (қарор) иш юқори турувчи суд томонидан кўрилгандан сўнг, башарти, у бекор қилинмаса, қонуний кучга қиради.

9. Судлар хусусий ажримлар (қарорлар) ўз вақтида ижро этилиши, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар амалда бар-шарф этилиши устидан назоратни кучайтиришлари лозим.

10. Судлар фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар олдини олиш ёки уларни тўхтатишга, жиноятчиларни ушлашга қаратилган ҳаракатларини рағбатлантириш мақсадида, уларнинг иш, ўқиш ёки яшаш жойига хабарномалар юбориш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш амалиётини жорий этишлари лозим.

11. Вилоятлар ва уларга тен-

глаштирилган судларга жиноят ишларини кўриб чиқишда иш бўйича жиноят сабаблари ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан қабул қилинаётган чоралар самарадорлигини тўлароқ текшириш, шу жумладан, куйидагилар тавсия этилади:

суд муҳокамаларида, тегишли ташкилот ва жамоалар кузатувига топширилган судланганлар тузатилиши ва қайта тарбияланишда жамоатчилик иштирокини назарда тутувчи қонунчиликни қўллаш амалиётини мунтазам умумлаштириб бориш, мазкур материаллардан жиноятларни олдини олишга оид тадбирларда ўз вақтида ва тўлақонли фойдаланиш;

ушбу масалада судлар томонидан йўл қўйилаётган хато-ларни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва уларни бартараф этиш ҳамда уларга йўл қўймаслик мақсадида судьяларга аниқ ёрдам кўрсатиш;

суд процессининг тарбиявий-профилактик таъсири, иш фақат моддий ва процессуал қонун нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳал этилгандагина самара бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, сансалорлик, дастлабки ва суд терговчи тўлиқ эмаслиги ва бир томонлама олиб борилганлиги фактларига қатъийроқ муносабат билдириш;

агар суриштирув, тергов органи, прокурор ёки суднинг ўзи томонидан аниқланган жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрилмаган бўлса, ушбу бўшлиқ тўлдирилиб, унга хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдириш.

12. Судлар ўта оғир жиноятлар, шу жумладан, терроризм, қасддан одам ўлдириш, коррупцияга оид, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилиш билан боғлиқ, шу жумладан, воя-га етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишига им-

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси	К. КАМИЛОВ
Пленум котиби, Олий суд судьяси	И. АЛИМОВ
Бўлди ва бунинг сабабини сўради. Масаланинг моҳияти шундан сўнг ойдинлашди. Аён бўлишича, меҳмонлар туман ҳокимининг деярли 6 ой муқаддам қабул қилган қарори ижросини амалга ошириш ниятида ташриф буюришган экан. Кўп ўтмай ҳоким қарорига сабаб бўлган омиллар ҳам юзгага чиқди.	
Маълум бўлишича, паррандачиликка ихтисослашган ушбу масъулияти чекланган жамият раҳбари туман ҳокими томонидан хали 2013 йилиёқ 41 йил муддатга ажратиб берилган 29,1 гектар ер майдони учун ижара шартномаси тузмаган, экинзорлардан мақсадсиз фойдаланган.	
(Давоми 4-бетда) ►	

кон берган ҳолатларга, шунингдек, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширишда йўл қўйилган қонун бузилишларига алоҳида эътибор беришлари керак.

Судлар жиноят ишларини кўришда аниқланган ҳар бир сансалорлик, ҳўжасизлик фактига, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилот ва айрим мансабдор шахс фаолиятида йўл қўйилгани бошқа ҳуқуқбузарликка нисбатан муносабат билдиришлари лозим.

13. Судлар қонуний кучга кирган ҳукми, башарти, суднинг фикрига кўра, бундай муҳокама тарбиявий-профилактик аҳамиятга эга бўлса, судланган шахснинг иш, ўқиш ёки яшаш жойига юбориши лозим.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо белгиланган шахсга нисбатан ҳукм нусхасини унинг иш жойига юборар экан, суд меҳнат жамоаси эътиборини судланганнинг хулқи устидан назорат қилиш ва у билан тарбиявий ишлар олиб бориш мажбуриятига қаратиши лозим.

Зарур ҳолларда ҳукм маълумот учун матбуот, радио, телевидение ёки унинг тарбиявий таъсири кенг бўлишини таъминловчи бошқа усулларда жамоатчилик эътиборига етказилиши лозим.

14. Хусусий ажримлар (қарорлар) сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида юқори турувчи судлар бундай ажримлар (қарорлар) чиқарилиши амалиётини ҳамда амалда бажарилиши натижаларини мунтазам равишда ўрганишлари ва умумлаштириб боришлари лозим.

15. Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар сабабларини ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш тўғрисидаги қонун талаблари бажарилиши устидан назоратни кучайтиришлари, хусусий ажримлар (қарорлар) сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган чоралар кўришлари лозим.

Янги қонун моҳияти

Сўз эркинлиги ва ахборот очиқлигини таъминлаш

Сенат ялпи

мажлисида шу

мақсадларга

қаратилган янги

қонун маъқулланди

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Лекин шунга қарамасдан, шахснинг кадр-қимматини камситувчи, уни обрўсизлантиришга олиб келадиган ҳамда жамоат тартиби ёки хавфсизлиги учун таҳдидга эга бўлган ёлгон ахборотни тарқатиш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация ёки Интернет тармоқларига жойлаштириш орқали тарқатиш ҳолатлари тез-тез такрорланиб турибди.

Шу ўринда бугунги кунга миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг ахборот ҳуқуқлари, масс-медиа ва оммавий коммуникациялар соҳаси субъектларининг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлайдиган ҳуқуқий нормалар тартибга солиш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ҳамда зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жавобгарликни белгилувчи моддаларига маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳаракатларига аниқлашувчи қоидалар киритилди. Ушбу моддаларнинг матни "оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқларига ёки Интернет жазон ахборот тармоғига жойлаштириш" деган сўзлар билан тўлдирилди.

Ўз ўрнида, кодекс ёлгон ахборот тарқатиш учун маъмурий жавобгарликни белгилувчи янги модда билан бойитилди.

Иккинчидан, Жиноят кодексининг юқорида қайд этилган ҳаракатларни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилгани учун жавобгарликни белгилувчи моддалари, шунингдек, тўхмат ва ҳақорат қилиш учун жавобгарликни белгилувчи моддалари ҳам худ-ди шундай меъёрлар билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, мантиқий давомийликни таъминлаш мақсадида, Жиноят кодексига ҳам ёлгон ахборот тарқатиш учун жавобгарликни белгилувчи янги модда киритилди.

Жиноят кодексининг диффамация ҳолатлари билан боғлиқ жиноятлар таркибига нисбатан енгиллаштириш чоралари қўлланилди. Кодекснинг тўхмат ва ҳақорат қилиш учун жавобгарликни белгилувчи моддалари санкцияларидан озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси чиқариб ташланди.

Маъмурий қонун билан ёлгон ахборотни тарқатганлик учун юридик жавобгарлик чоралари қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот ҳуқуқлари ҳимояланишига, коммуникация тизимидаги ахборотни тарқатиш чоралари жамиятда очиклик даражасини оширади. Ўзбекистон Республикасининг халқро рейтинглар ва индекслардаги кўрсаткичлари яхшиланишини таъминлайди.

Диффамация, яъни тўхмат ва ҳақорат ҳолатлари билан боғлиқ жиноятлар таркибига нисбатан енгиллаштириш чораларини қўллаш;

порнография маҳсулотни тайёрлаш ёки реализация қилиш ҳолатлари ва реклама сифатида фойдаланиш ҳолатларига нисбатан белгиланган жазо чораларини кучайтириш; шахснинг кадр-қимматини камситувчи, уни обрўсизлантиришга олиб келадиган ҳамда жамоат тартиби ёки хавфсизлиги учун таҳдидга эга бўлган ёлгон ахборотни тарқатиш билан боғлиқ ҳаракатлар учун қонунчиликка юридик жавобгарлик чораларини киритиш.

Шу мақсадда янги қонун билан амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодекси ва Жиноят



процессуал кодексига қуйида-ги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Биринчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг порнография маҳсулотини тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ҳамда зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жавобгарликни белгилувчи моддаларига маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳаракатларига аниқлашувчи қоидалар киритилди. Ушбу моддаларнинг матни "оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқларига ёки Интернет жазон ахборот тармоғига жойлаштириш" деган сўзлар билан тўлдирилди.

Ўз ўрнида, кодекс ёлгон ахборот тарқатиш учун маъмурий жавобгарликни белгилувчи янги модда билан бойитилди.

Иккинчидан, Жиноят кодексининг юқорида қайд этилган ҳаракатларни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилгани учун жавобгарликни белгилувчи моддалари, шунингдек, тўхмат ва ҳақорат қилиш учун жавобгарликни белгилувчи моддалари ҳам худ-ди шундай меъёрлар билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, мантиқий давомийликни таъминлаш мақсадида, Жиноят кодексига ҳам ёлгон ахборот тарқатиш учун жавобгарликни белгилувчи янги модда киритилди.

Жиноят кодексининг диффамация ҳолатлари билан боғлиқ жиноятлар таркибига нисбатан енгиллаштириш чоралари қўлланилди. Кодекснинг тўхмат ва ҳақорат қилиш учун жавобгарликни белгилувчи моддалари санкцияларидан озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси чиқариб ташланди.

Маъмурий қонун билан ёлгон ахборотни тарқатганлик учун юридик жавобгарлик чоралари қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот ҳуқуқлари ҳимояланишига, коммуникация тизимидаги ахборотни тарқатиш чоралари жамиятда очиклик даражасини оширади. Ўзбекистон Республикасининг халқро рейтинглар ва индекслардаги кўрсаткичлари яхшиланишини таъминлайди.

Диффамация, яъни тўхмат ва ҳақорат ҳолатлари билан боғлиқ жиноятлар таркибига нисбатан енгиллаштириш чораларини қўллаш;

порнография маҳсулотни тайёрлаш ёки реализация қилиш ҳолатлари ва реклама сифатида фойдаланиш ҳолатларига нисбатан белгиланган жазо чораларини кучайтириш; шахснинг кадр-қимматини камситувчи, уни обрўсизлантиришга олиб келадиган ҳамда жамоат тартиби ёки хавфсизлиги учун таҳдидга эга бўлган ёлгон ахборотни тарқатиш билан боғлиқ ҳаракатлар учун қонунчиликка юридик жавобгарлик чораларини киритиш.

Шу мақсадда янги қонун билан амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодекси ва Жиноят

Дилфуза УРАЛОВА,
Олий Мажлис Сенатлари ва Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси

Эътиёт бўлинг, фирибгар!

Алдов

фирибгарнинг ўзини темир панжара ортиса равона қилди

Бахтиёр (исм-шарифлар ўзгартирилди) ака эрталаб ишга отланаётганда, хотини ўқининг ўқишига пул тўлаш зарурлигини эслатди.

Аслида, бунн ўзи ҳам яхши биларди, бунинг учун ҳўкиз боқаяпти, ахир. Жонивор пичоққа тайёр бўлиб қолган. Қассобга топширса, бас, уч-тўрт кунда нақд пул бўлади.

Бахтиёр ака ишдан қайтаётгани, ўзига таниш қассоб Толибга учрашишни кўнглига тугди.

— Ҳўкизингизни сўйиб, сотаман, — деди эртаси кўни уйига келган Толиб қассоб кўвуш қайтариб турган жониворни кўздан кечираркан. — Сизга ҳар бир килограмм гўшт учун 47 минг сўмдан бераман, розимисиз. Фақат гўштини сотиб туратган, пулини оласиз.

Бахтиёр Турсунқулловнинг гувоҳлигида ҳўкиз сўйилиб, гўшти тарозига қўйилди: 185 килограмм тош босди. Демак, келишганларига кўра, Толиб қассобдан 8 миллион 695 минг сўм олиши керак эди.

"Олиши керак эди" деганимиз бежиз эмас. Чўнки шундан сўнг жабранувчи Б.Турсунқуллов пулини сўраб, қассобнинг дўқонига бўзчининг мо-

(Давоми 4-бетда) ►

Таълим олишини йўлга қўйиш: хорижий тажриба

Россия Федерал жазони ижро этиш хизмати томонидан маҳкумларни масофавий ўқиш бўйича бир қатор университетлар, хусусан, Россия давлат ижтимоий университети, Тверь кишлоқ ҳўжалик академияси, Псков давлат университети ва бошқа олий ўқув юр-тлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Маҳкумлар университетларда ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича масофавий таълим олишлари мумкин. Бу ўринда иқтисодий, менежмент, кичик бизнесни бошқариш, молия ва кредит, ҳуқуқшунос-лик, реклама бўйича мутахас-сис, социология, банк соҳаси каби мутахассисликлар ҳақида сўз бормоқда.

Жазони ижро этиш муассасида маҳкумларни ўқитиш бўйича реабилитация дастур-лари, жисмоний тарбия ва санъат, хўнамандчилик дастурлари ва бошқа фаолият тур-лари ташкил этилган. Бундан



кўзланган асосий мақсад маҳкумларнинг малакасини ҳамда билимларини ошириш орқали уларнинг меҳнатга янада лаётини кучайтириш, шунинг-дек, зериктириш, ёлғизликни енгиллаштириш, ўзига бўлган ишонччи оширишдан иборат-дир.

Америка Қўшма Штатларида маҳкумларга таълим бериш ре-цидив жиноятларни камайти-риш ва озодликдан маҳрум қи-лиш билан боғлиқ бўлган жа-зони ўтаётган маҳкумларнинг озод этилгандан кейин иқти-содий имкониятларини яхши-лашга қаратилган. Маҳкумлар-ни олий таълимга ўқитиш бў-йича турли дастурлар амалга оширилди. Жумладан, RAND Corporation томонидан ўтказил-ган тадқиқотларда ҳар қандай турдаги таълим рецидив жи-ноятни 43 фоизга камайтири-

ши аниқланган.

Германияда маҳкумлар учун мактаб, гимназия ва универси-тет таълимини олиш имкония-ти маъжуд. Ушбу мамлакат-нинг Фрейбург жазони ижро этиш муассасасида маҳкумлар мактаб, гимназия ва универси-тет таълимини тугатиши мум-кин.

Мазкур муассасадаги маҳ-кумлар Германиянинг "Hagen" университетида масофавий таълим олиш олади. Маҳкум-лар муассасада барча ишлар-дан озод қилинган бўлиб, ойи-га 120 евро микдорда степен-дия олиш имкониятига ҳам эга.

2007 йилда Норвегиядаги ҳар бир жазони ижро этиш му-ассасасида маҳкумларга таъ-лим бериш учун мактаблар таш-кил этилган.

Ўрни келганда яна шуни ай-тиш керакки, хорижий давлат-

ларнинг айрим жазони ижро этиш муассасаларида баъзи таълим турлари тўлов асоси-да ташкил этилган. Хусусан, Данияда бошлангич ва ўрта мактабларда таълим бепул, ўрта-махсус ва олий таълим дарслари тўлов асосида таш-кил этилади.

Буюк Британия ва Австра-лияда эса, маҳкумлар кенг жа-моатчиликка тақдим этилади-ган ҳукумат кредитларидан фойдаланишлари мумкин. Буюк Британиядаги Education Trust каби хайрия гуруҳулар масофавий ўқишни молиялаш-тиришга қодир бўлмаган маҳ-кумларга грантлар ажратади.

Маълумотларга кўра, 2014 йилда Англия ва Уэльсда ўтказилган тадқиқотларга асосан, 6 мингдан ортиқ маҳкумнинг кейинги ҳаётини ўрганиш на-тижасида таълим курсларида ўқиганларнинг қайта жиноят содир қилиш эҳтимоли 7 фоизга камайгани аниқланган.

Хорижий давлатларнинг маҳкумларга жазони ижро этиш муассасаларида барча даражадаги таълим шакллари жорий этиш амалиёти жиноят-ни ўтаб чиққан маҳкумларнинг ишга жойлашиш имкониятла-

Жамиятимиз мақсади

Аёл борки, олам мунаввар

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Бу ҳақда фикр юритганда, Президентимизнинг 2018 йил 2 февралда қабул қилинган **"Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонида алоҳида тўхталиш лозим.

Чунки ушбу Фармон билан оилаларнинг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш ва аёлларнинг жамиятдаги таъкилотчилик, тадбиркорлик фаолиятларини кучайтириш ишлари янги босқичга кўтарилди. Жамиятда ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустақамлашишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларни рағбатлантиришга эътибор тубдан кучайтирилди.

Бундан ташқари 2019 йил 2 сентябрда "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Қонуннинг мақсади — хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Бунда гендер сиёсатини амалга оширишга таъминлашга доир чоралар белгилаб берилди. Бу ўринда, жумладан, жинсларнинг нотенглигини бартараф этиш, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлаш бўйича аниқ мақсадларга эришиш

учун давлат органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга эга чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Ушбу қонунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Хусусан, мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва тақомиллаштириш, давлат дастурлари, миллий ҳаракат режалари ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантириш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш, меҳнатга оид ва оилавий мажбуриятларни бирга бажаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашда қонун нормаларининг аҳамияти бекиёсдир.

Шу билан бирга, қонунда оилани, болаликни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга қаратилган ахборотдан жамиятнинг ҳимоя қилиш, мазкур соҳадаги дастур, режа ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этиш ҳамда халқаро даражаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш

чоралари кўзда тутилган.

Қонунда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатлари ўз аксини топган. Жумладан, хотин-қизлар ва эркаклар никоҳ тузиши ихтиёрийдир. Мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўйилмайди. Эр ва хотиннинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенг ҳисобланади.

Оиланинг ички низоларини ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиш муҳим. Ўй меҳнатига нисбатан хотин-қизлар ва эркаклар ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенгдир. Болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишда, вояга етмаган ҳамда меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда ота-оналар тенг иштирок этади.

Ота-оналар кичик ёшдаги болаларини, ногиронлиги бўлган оила аъзоларини парваришлаш бўйича нафақалар олишда тенг ҳуқуқларга эга бўлади. Бола туғилиши муносабати билан она ҳам, ота ҳам ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга.

Болани парваришлаш бўйича таътилнинг давомийлиги, ота-онанинг ихтиёрига кўра, улар ўртасида бўлиниши мумкин. Бунда ота-она таътидан уни қисмларга бўлган ҳолда фойдалана олади.

Ўз навбатида, 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Хотин-қизларни таъкиқ ўзравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ҳам, ўз моҳиятига кўра, ниҳоятда аҳамиятлидир.

Таъкиқ ва ўравонлиқдан жабрланувчида давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-

соби Б.Жониевга шогирд тушган. 2015 йилга қадар у бирга ишлаган. 2016 йилнинг июнь ойида Тилиб Жиззах шаҳар Иттифоқ маҳалласи худудида фуқаро Ф.Боймуродовага тегишли савдо дўконини ижарага олиб, гўшт савдоси билан ўзи мустақил шуғулланишни бошлаган. Унга ўзига аввалдан таниш Мавлон Абдужалилов ёрдам берган.

2020 йилнинг февраль ойи ўрталарида Мавлоннинг отаси Б.Абдужалилов дўконини ҳақиқий эгаси Ф.Боймуродовдан сотиб олади. "Энди ўзим ишлайман", — дейди Б.Абдужалилов Тилибга. Шундан сўнг Тилиб гўшт дўконини тарк этади. Бу ёқда эса, унинг алдони курбонлари, жабрланувчилар пуллари ололмади ички ишлар идорасига мурожаат қилишди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Т.Жўракуловнинг "такроран ўзганинг мулкни фариб-



қизларга таъкиқ ўтказган ёки ўравонлиқ содир этган шахсга ёҳуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳимоя ордерини жорий этиш белгиланган.

Жиноят қонунчилигида ҳам жиноят содир этган аёлларга нисбатан бир қатор енгилликлар белгиланган. Хўсусан, Жиноят кодексининг 50-моддасига кўра, аёлларга нисбатан умрбод озодлиқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ёки узок муддатли озодлиқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар қўлланилмайди.

Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун ҳомилдор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалар бор аёлларга нисбатан озодлиқдан маҳрум қилиш тариқасида жазо тайинланмайди.

Хўкмининг ижроси билан боғлиқ масалаларда ҳам Жиноят процессуал кодексининг 533-моддасида:

- маҳкума ҳомилдор бўлиб қолса — бир йилдан ортиқ муддатга;
- маҳкуманинг ёш босали

бўлса — у уч ёшга тўлгунга қадар;

• агар маҳкума ўта хавфли рецидивист бўлмаса ёки у томонидан содир қилинган жиноят ўта оғир турдаги жиноятлар туркумига кирмаса — ҳўкмининг ижроси кечиктирилиб турилиши мумкинлиги белгиланган.

Хўлоса қилиб айтганда, мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида аёлларга шунчалик кенг имкониятлар яратилган. Давлатимиз раҳбари хотин-қизларнинг ҳаётида ўз ўрнини топиб, эркин ва фаровон ҳаёт кечирishларига барча шароитларни муҳайё қилмоқда.

Шундай экан, юртимиз хотин-қизлари бу имкониятлардан унумли фойдаланишлари лозим. Оила аталмиш муқаддас кўргонларнинг мустҳакам ва осойишта бўлиши, бу кўргонда вояга етадиган ўғил-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топиб, давлатимизнинг янада равнақ топишига ўз улушларини қўшишларига бош-қош бўлишлари шарт.

Раъно КАМОЛОВА,
жиноят ишлари бўйича
Беруний тумани судининг
раиси

Қонун кўмаги

Ноқонуний қарор

суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилди

◄ (Бошланиши 3-бетда)

Табийки, жамият мутасаддиси ушбу эътирозлар ва қарорда ифодасини топган ҳолатлар олдиди суқут сақламади. Ўзини айбсиз санади, қалбига қуюлиб келган дардини тўкиб солди. Ҳоким қароридан ўз вақтида оғоҳ этилмагани боис, эрта баҳордаёқ экин-тикин ишларига киришгани, 9 гектар даладаги буғдойдан ташқари барча экин майдонларига уруғ эккани, бунинг учун анча-мунча куч ва воситалар ишга солингани, тер тўкилгани, миллион-миллион сўмлик маблағлар харжлангани, шулар эвазига буй қўрсатган экинлар ҳозирда бир текис ривожланаётгани, жамиятга қарашли паррандачилик фермасининг яроқсиз ҳолга келган бино ва ускуналари янгилаётгани, ушбу режани рўёбга чиқариш ниятида "Ўсаноатқурилишбанк"-нинг виллоят филиалидан 210 минг АҚШ долларини миқдорида кредит олиб, уни Хитойдан замонавий паррандачилик технологияси воситалари харидига йўналтиргани, мазкур жиҳозларни ортган машиналар аллақачон йўлга чиққани ва яқин 1-2 кун ичида Янгибозорга етиб келишини ётмиги билан тушуинтирди. Ер қўлдан кетган тақдирда, паррандалар учун озуқа етиштириш, банкдан олинган шунча миқдор қарзни қоплаш мушкул эканлигини баён этди. Қанийди, ўша пайтда тадбиркорнинг гардинидаги мушкулотни қалбан ҳис эта оладиган валлолат топила қолса? Йўқ, топилмади. Яхисини, белни боғлаган кўйи ҳақ-ҳуқуқ ва қонуний манфатларини ҳимоялашдан бўлак қора йўқ.

Бинобарин, ўз-ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий асослар етарли. Масъулияти чекланган жамият раҳбари олдига мавжуд 29,1 гектар ер майдонини учун туман ҳокими билан тегишли тартибда шартнома тузмагани, экинзорлардан мақсадли фойдаланмагани хўсусида қўйилган ҳар иккала айбга ер-мулк эгасининг дахли йўқ. Хўсусан, туман ҳокимининг "Аму соҳил парранда" масъулияти чекланган жамиятига ер майдони ажратиш ҳақида 2013 йил 6 августда қабул қилган 549-сонли қарори 2-бандига кўра, ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси жамият раҳбарининг эмас, балки туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими зиммасига юклатилган. Таъсфки, бу идора ўз зиммасига юклатилган ана шу вазифани бажармаган.

Демократик тартиб-таомилларга суянган мамлакатимиз қонунчилиги ижара шартномаси мавжуд бўлмаган ҳолатда ўзга бировнинг зиммасига у ёки бу тарзда мажбурият юклатиш тақозо этмайди. Шу боис, тадбиркорни ердан мақсадли фойдаланмаганликда айблаш ва ҳоким қарорини чиқариб, унга қарашли экин майдонларини захирага қайтариш қонунга зид ҳолат ҳисобланади.

Чўнончи, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 1-моддасида қайд этилишича, ушбу қонуннинг асосий вазифаси — фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва ундан манфаатдор бўлиши учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Қонуннинг 11-моддасида эса, тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза ва назорат қилувчи идоралар, шу-

нингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиши, унга мувофиқ, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ва барнотарф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноангиқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин этилиши зарурлиги қайд этилган.

Масъулияти чекланган жамият раҳбари томонидан Маъмурий судга тақдим этилган аризини

қўриб чиқиш жараёнида масаланинг шу ва бошқа жиҳатлари алоҳида муҳокама этилди. Унда тадбиркорлик субъектига "Ўсаноатқурилишбанк" филиали томонидан берилган 210 минг АҚШ долларини миқдоридаги кредит маблағи паррандачилик фермасини янги замонавий ускуналар билан жиҳозлаш лойиҳасини рўёбга чиқаришга харжланаётгани ва шу юзасдан берилган банк маъмурия-таъкилотномаси инобатга олинди. Сайёр тартибда ўтказилган ушбу жараёнда вазият бевосита жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Унда жамиятга қарашли фермахонани чиндан ҳам, хорж жиҳозлари билан қайта ускуналашга қарата иш олиб борилаётгани аниқланди. Масъулияти чекланган жамият солиқ тўловларини тўлиқ адо этаётгани ва ҳатто шу масала юзасидан ўтказилган танловнинг туман босқичи совриндори сифатида эътироф қилингани ҳам маълум бўлди. Амалдаги тартиб-таомиллар бундай пайтда тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлига ноўрин, асоссиз тўсиқ солишни эмас, балки қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Зеро, ер ва экин паравариши учун бор куч-ғайрати, моддий ва техникавий имкониятларини ишга солаётган, эл-юрт равнақи учун озмунчмас, нақ 210 минг доллар миқдоридаги кредит маблағини қомил ишонч, эзгу мақсад билан харжлаётган, қонун доирасида ҳаракат қилаётган киши ҳамиша хурматга, эъзозга лойиқ.

Хўкмингизга ҳавола этилган ҳолатлардан аёнки, қонун тадбиркор тарафида. Шу боис, мазкур низоли масалани қўриб чиққан дастлабки босқич суди ерни захирага қайтариш ташаббуси билан чиққан тарафининг ҳаракатини маъқулламади. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даввогарнинг талаби қондирилди. Масъулияти чекланган жамиятга қарашли ерни ундан олиб қўйиш юзасидан 2019 йил 18 ноябрда чиқарилган қарор ҳақиқий эмас, деб топилди. Қонунийлик, адолат ва ҳақиқат ана шу тарзда тантана қилди.

Бирок ҳокимнинг "Аму соҳил парранда"га қарашли ерни захирага қайтариш ҳақидаги қарорини қабул қилинганидан сўнг бошқа бир жиддий муаммо пайдо бўлган, чигал вазият юзага келгани ҳам эслатиш зарур. Гап шундаки, ер эгасидан олиб қўйилган, у бошқа бир тадбиркорлик субъекти — тумандаги "Жайхун ёшлар боғи" кооперативи тасарруфига берилган. Ернинг янги эгаси намоеён этган бу хайрли иш гарчи кўпгина хо-надонларнинг оғирини енгил, мушкулчини осон этган бўлса-да, айрим муаммоларга ҳам сабаб бўлди. Ернинг ҳақиқий эгасига қайтарилиши уни ҳам муайян оқибатлар гирдобига ташлади. Хайриятки, бу муаммоларнинг деярли бари ҳозирги вақтга келиб, қонунан бартараф қилинди.

Оқилона қилинган ишлар, жиддий ўйланган ҳолда ташланган қардамлар инсонни бу сингари муаммо ва мушкулотларга рубарў этмайди. Ушбу омилни назарда тутса, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайида ушбу туман ҳокимининг шу ва шунга монанд масалалар юзасидан муқаддам қабул қилган ана 4 та қарорни жиддий эътирозларга сабаб бўлгани ва пировардида маъмурий судлар томонидан ҳақиқий эмас, деб топилганини ана шу бўғин фаолиятидаги жиддий камчилик сифатида баҳолашга ҳақлимиз.

Бу янглик қалтис ҳаракатлардан йироқ юрмок — оқилу доно одамларга ҳос эзгу фазилат. Жамиятимиз талаби ҳам шу: қонунни ардоқлаган, одамийликни қадрлаганининг қўли ҳар жабҳада балад бўлади.

Тимур ИБРАГИМОВ,
Янгибозор тумани
маъмурий судининг раиси,
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

◄ (Бошланиши 3-бетда)

Ойбек Толибни тўрт йилдан буён яхши танийди. Тилиб маҳаллада яшовчи фуқароларнинг боқилган майдонда шохли ва йирик шохли молларини сўйиб сотиб, беш-олти кунда пулини беришини биларди. Яна бир томони қишлоқда ким, қандай юмуш билан шуғулланишини ҳам ҳамма билади. Ойбекнинг ҳам ҳўкиз боқиш билан машғуллигидан қўпчилик хабардор, агар бу ҳақда гап очилса, О.Бегимқуловнинг номини албатта тилга олишарди.

О.Бегимқулов 2018 йилда икки бош ҳўкизини гўшт учун боқишга киришганди. 2019 йилнинг декабри ойига келиб, улар сўйишга тайёр бўлиб қолган кунларнинг бирида Тилибнинг ўзи ҳовлига кириб келади.

— Янги йил байрами арафасида гўшта эҳтиёж анча ошади, — дейди у. — Эшитдим, икки бош ҳўкизини семиртаётган экансан, бегона қилма, ўзим сўйиб сотиб, сенга ўн кунда пулини бераман.

Ойбек бош иргаб, қассобнинг тақлифига рози эканлигини билдиради. Ўша 2019 йилнинг 30 декабри кунини эрта тонгда Т.Жўракулов қассоб Мавлон Абдужалилов билан Ойбекнинг ҳовлисига келади ва бир бош ҳўкизини сўйди. Гўштининг оғирлиги 188,5 килограмм чиқади. Ҳар бир килограмм гўшт 48 минг сўмдан баҳоланади, умумий пули 9 миллион 24 минг сўмни ташкил қилади.

Тилиб гўштни сотиш учун дўконга олиб кетаётганда Ойбекка пулини ўн кунда етказажанини айна тганди. Лекин ўн кундан бир нечаси ўтиб кетса-да, пулдан дарак бўлавермайди.

"Қассобга бирон гап бўлдимки ёки менинг пулимни ёдидан чиқариб қўйдими?!" — деган хавотирда Ойбек Тилибга бориб учрашади. Бу пайтда январь ойи тўраб, февраль ойи бошланганди.

— Менга қара, — дейди Тилиб Ойбекка. — Яна битта ҳўкизининг сўйиб олай, иккаласининг пулини бирваракайига бераман.

Соддадил О.Бегимқулов қассобнинг бу тақлифига ҳам рози бўлади. Шундай қилиб, Т.Жўракулов қассоб М.Абдужалиловни 10 февраль кунини Ойбекнинг ҳовлисига бошлаб келиб, ҳўкизини сўйдиради. Оғирлиги 243 килограмм чиққан гўштининг пули 11 миллион 664 минг сўм бўлади. Шу тариқа Т.Жўракулов жабрланувчи О.Бегимқуловга бериши керак бўлган пулнинг умумий миқдори 20 миллион 712 минг сўмга етганди...

Ўшанда 2018 йилнинг 25 декабри эди. Нурмурад Жаҳонгиров кечки пайт уйда телевизор томоша қилиб ўтирганди. Бир чоғ узок қариндоши Тилиб кириб келади.

Улар бироз ўтган-кетгандан гаплашишгач, Тилибнинг мақсади аён бўлди.

— Бир танишимга пул зарур бўлиб қолди, — дейди у Нурмурадга. — 30 миллион сўм бериб туринг, ўн кунда олиб келиб бераман.

Тилиб авваллари ҳам бир неча марта ундан турли миқдорда қарз олиб, келишилган пайтда қайтарганди. Шунинг учун у Тилибга ишонарди. Айна пайтда ҳам 30 миллион сўмни бераркан, бу ҳақда тилхат ёздириб олишни умуман хаёлига келтирмайди.

Аммо орадан ўн кундан бир нечаси ўтса-да, Тилиб пулни қайтарай демас-

Эҳтиёт бўлинг, фарибгар!

Алдов

фарибгарнинг ўзини темир панжара ортига равона қилди

ди. Ниҳоят, Н.Жаҳонгиров Тилибни излаб, унинг уйига боради. Кейин дўконда Тилиб билан учрашади. Бирок Т.Жўракулов баҳонадан нарига ўтмас, пул беришни орқага суришдан қарча-масди.

Шу алфозда ҳаш-паш дегунча бир йилдан ортиқ вақт ўтди. 2020 йилнинг 1 февраль кунини Тилиб Н.Жаҳонгировнинг бир бош ҳўкизини сўйиб, тарози-га қўйди: 287 килограмм тош босди. 48 минг сўмдан келишилгани бўйича гўшт 13 миллион 776 минг сўмга баҳоланади.

Бу сафар Тилиб сўзининг устидан қисман чиқди. У Н.Жаҳонгировга гўштининг келишилган пулидан 11 миллион 676 минг сўминигина бериб, 2 миллион 100 минг сўмни қайтармади.

Терговда ва судда ҳаммаси қундай равшан тортиди. Судланувчи Т.Жўракулов фақат юрорда тафсилоти келтирилган уч нафар фуқаронинг эмас, балки яна тўққиз кишининг аввал ишончини қозониб, сўнг фарибгарлик йўли билан уларга тегишли маблағларни қўлга киритиб, ўзининг шахсий мақсадларига сарфлаб юборган экан.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳўш, фарибгарнинг фариб қилмиши қандай илдиэ отган?

Энди шу ҳақда фикр юритадиган бўлсак, 1980 йилда туғилган, оилали, уч нафар фарзанднинг отаси Т.Жўракулов 2006 йилда маҳалласида яшовчи қас-

гарлик йўли билан талон-торож қилганлик"да ифодаланган жиноий ҳаракати Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблади. Судланувчига нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқрор ва қилмишидан қин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноят оқибатида етказилган зарарни қисман қоплаганили, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди ва кекса онаси борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги жазони енгиллаштирувчи, судланувчининг қасддан янги жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деган тўхтамга келди.

Суд судланувчи Т.Жўракуловга нисбатан жазо турини белгилашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"-ги 1-сонли қарори раҳбарий тушуинтиришларига амал қилди. Судланувчи Т.Жўракулов содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, яъни қасддан содир этилган оғир жиноят эканлиги, унинг муқаддам судланганлиги, етказилган зарарларини тўлиқ қопламаганили, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси борлиги, ўзига нисбатан қўлланилган инсонпарварлик таъмоилларидан тегишли ҳўлоса чиқармасдан, ижтимоий фойдали меҳнат

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ХАЙТОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ХАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Манзилими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1223. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 4887
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21³⁰. Топширилди: 22⁴⁵.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:

Шодикул ХАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигидан 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



ISSN 2313-6323
9 772313 632